

7-10-2019

COOMUNICATIVE APPROACH EXERCISES TO TEACHING FOREIGN LANGUAGES AT A1 LEVEL

Gairatjon Shovdorovich Tajibayev

doctor of pedagogy science (PhD), senior teacher at English language teaching methodology department of NamSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Tajibayev, Gairatjon Shovdorovich (2019) "COOMUNICATIVE APPROACH EXERCISES TO TEACHING FOREIGN LANGUAGES AT A1 LEVEL," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 66.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/66>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

COOMUNICATIVE APPROACH EXERCISES TO TEACHING FOREIGN LANGUAGES AT A1 LEVEL

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ А1 ДАРАЖАДА ЎҚИТИШГА КОММУНИКАТИВ ЁНДАШУВ МАШҚЛАРИ

Тажибаев Гайратжон Шовдорович НамДУ Инглиз тили ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

***Аннотация:** Мақолада бошлангич синфларда чет тилнинг А1 даражада ўрганилишини таъминловчи машқлар тузиш принциплари такомиллаштирилган. Муаллиф тил малакалари машқ қилиш асосида эмас, балки ундан коммуникатив мақсадларда фойдаланилганда ўзлаштирилишини назарий асослайди.*

***Калит сўзлар:** коммуникация, интеракция, мотивация, тил ўрганиш, тил ўзлаштириш, коммуникатив мақсад*

COMMUNICATIVE APPROACH EXERCISES TO TEACHING FOREIGN LANGUAGES AT A1 LEVEL

Tajibayev Gairatjon Shovdorovich doctor of pedagogy science (PhD), senior teacher at English language teaching methodology department of NamSU

***Abstract:** The article develops the principles of exercises for foreign language learning to take place in the primary classrooms at A1 level. The author theoretically supports that language learning occurs if it is used for communicative purposes.*

***Key words:** communication, interaction, motivation, language learning, language acquisition, communicative purpose*

УПРАЖНЕНИЯ КОММУНИКАТИВНОГО ПОДХОДА В ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ НА УРОВНЕ А1

Тажибаев Гайратжон Шовдорович доктор философии (PhD) по педагогическим наукам, старший преподаватель кафедры методика обучения английского языка, НамГУ

Аннотация: *Статья рассматривает принципы упражнений для изучения иностранного языка для начальных классах уровня А1. Автор теоретически поддерживает идею, что изучение языка происходит в коммуникативных ситуациях.*

Ключевые слова: *коммуникация, интеракция, мотивация, изучения языка, овладения языка, коммуникативная цель*

В.А.Сухомлинский таъбири билан айтганда, ўқитувчи эканлигини унита олган ўқитувчи энг яхши ўқитувчидир [3:32]. Ушбу сўзлар замирида яширинган маъно чет тил дарсларида ўз ифодасини топади. Бунинг учун шунчаки насиҳатомуз оҳангдан воз кечиш, ўқувчилар ва уларнинг сўзларига чинакамига қизиқиш билдириш, ўзини бир поғона тепада эканлигини ёддан чиқариш, ўқувчи билан ёнма-ён туриш керак бўлади. Шундагина ўқувчининг қизиқиши ортади, унда суҳбатлашиш истаги пайдо бўлади, натижада машғулотларда коммуникация ва интеракция содир бўлади.

Коммуникатив ёндашувда ўрганиш объекти ҳам ўрганиш воситаси ҳам коммуникациядир, яъни коммуникация орқали коммуникатив компетентлик эгалланади. Коммуникатив ёндашув назариясига мувофиқ тил ундан фойдаланиш жараёнида ўрганилади [2:11-12]. Чет тил ўқитишда Коммуникатив ёндашувга асосан ўқув фанининг мақсади ва вазифаси ўрганувчиларнинг кўпмаданийлиги ва кўптилли дунёда кундалиқ, илмий ва касбга оид соҳаларда чет тиллардан коммуникатив компетентликни шакллантиришдан иборат бўлиши лозим. Методикада тил ўрганиш (language learning) ва тил ўзлаштириш (language acquisition) тушунчалари фарқланади. Тил ўзлаштириш деганда жонли коммуникация учун тилдан фойдаланиш натижасида ўрганилаётган тил системаси ғайришурий (unconscious) ўзлаштириб борилади. Ўрганиш эса инструкция натижасида эгалланган грамматик билимни онг иштирокида намоёниш этиш бўлиб, бу ўзлаштиришга олиб келмайди. Ўрганилган тизим эгалланган билимларга таяниб нутқ ҳосил қилиш жараёнини мониторинг қилиб бориш билан чекланади.

Маълумки, тил малакалари машқ қилиш асносида эмас, балки ундан коммуникатив мақсадларда фойдаланилганда ўзлаштирилади. Коммуникатив ёндашув чет тил реал мазмунли ва маъноли мулоқот қилиш жараёнида ўрганилади деган, назарияга асослади. Қачонки ўрганувчилар жонли коммуникация ва интеракцияга қамраб олинса (language exposure), улар тил ўрганиш учун табиий стратегияларидан фойдаланадилар ва бу уларга тил ўрганиш жараёнида тилдан фойдаланиш имконини беради. Мутахассисларнинг фикрича коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминловчи машқлар тузишда а) коммуникативлик

(communication principle – чет тил жонли коммуникация ва интеракция содир бўлганида ўрганилади), б) вазифавийлик (task principle – чет тил ундан фойдаланиб аниқ вазифа бажариш жараёнида ўрганилади), в) тушунарлилик ва маънолилик (comprehensibility and meaningfulness principle – чет тил ўқувчи учун тушунарли бўлганида ва маъно англатганида ўрганилади) тамойилларини ҳисобга олиш лозим [5].

Бунинг учун эса *биринчидан*, суҳбат иштирокчиларининг бири иккинчиси эга бўлган ахборот ёки маълумотдан хабардор бўлмаслиги лозим (information gap). Яъни, агар бугун ҳафтанинг қайси куни эканлиги маълум бўлсада, лекин “Бугун ҳафтанинг қайси куни?” деган савол билан мурожаат этилса ва бу саволга “Сешанба” жавоби олинса, коммуникация содир бўлмайди. Чунки суҳбат иштирокчиларидан бири ўзи билмаган янги ахборотни олиш имкониятига эга эмас. Бундай саволларга ўқувчи баҳо олиш учун мажбур бўлганидан расмий жавоб бериш билан кифояланади. Натижада мотивация сўнади [3:12].

Иккинчидан, мулоқот иштирокчилари қачон ва қандай айтиш (when and how to say) ва кимга нимани айтиш (whom and what to say) юзасидан мустақил қарор қабул қилишлари лозим (choice). Яъни, ўқитувчи ўқувчи айтадиган гап мазмуни ва шаклини қатий назоратда ушлаб турмаслиги керак.

Учинчидан, коммуникация ва интеракция содир бўлиши учун адресатнинг жавоб репликасига муносабат билдирилиши (feedback) талаб этилади. Яъни, гапирувчи тингловчидан қандайдир жавоб олиши ва ўз фикрини тушунарли тарзда ифодалаётганлигига ишонч ҳосил қилиб туриши лозим. [4:21-32; 6:28-29; 1:142-143]. Бошланғич синфларда ўтказиладиган *Class survey* машқлари юқоридаги коммуникатив талабларга тўлиқ жавоб беради.

Language focus: *Do you have a book (a record book, pencil)? I have a book, a rubber, a record book and a pen. I do not have a copybook and a pencil.*

	book	copybook	rubber	record book	pen	pencil
you	+	-	+	+	+	-
Nodir						
Sodiya						

Бундай машқларнинг бажарилишида ўқувчилар ўзларига берилган топшириқларни, яъни жадвалларни тўлдириш учун бир-бирлари билан мулоқотга киришадилар. Топшириқни бажариш истаги ўқувчида жонли мулоқотга кириши учун сабаб мотиви вазифасини ўтайди. Унинг борлиги эҳтиёжни туғдиради, эҳтиёж мотивацияни қўзғайди. Жадвалларни тўлдириш жараёнида янги ахборот олинади ва ушбу ахборотни бошқалар билан бўлишишга яна бир эҳтиёж туғилади. Жадвал маълумолар билан тўлдирилганидан сўнг ўқувчилар ушбу жадваллардан фойдаланиб, намуна асосида гаплар тузишади. Намуна асосида гаплар тузиш жараёнида ўқувчи янги грамматик ҳодисани ўзининг ташаббуси нутқида қўллайди

ва унинг маъносини мустақил фаҳмлай бошлайди. Уйга вазифа сифатида оғзаки тузилган гапларни ёзма бажариш топшириғи берилиши мумкин.

Бунда ўқувчига унинг Энг яқин ривожланиш зонасидаги топшириқ бериш тамойилига амал қилинган бўлади, тил материали рецептив ва репродуктив машқлар бажариш орқали янада мустақкам ўзлаштирилади. Жадвалларни тўлдириш жараёнида нутқ анализаторларини имкон қадар тўлиқ иштирок этишининг таъминланиши тил материалани узоқ муддатли хотирага ўтишига хизмат қилади. Сўровнома жадваллари ўқувчиларда ўрганилаётган тилда фикр ифодалаш учун таваккал қилишга ундайди ва хато қилишдан қўрқиш сабабли вужудга келадиган журъатсизланишнинг олдини олади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг тилдан фойдаланидган вазиятлари катта ёшлилар дуч келадиган нутқ вазиятларидан фарқ қилади. Масалан, бошланғич синф ўқувчиси оила аъзолари билан кўпроқ йўқотиб қўйган ўқув куролари, мактабда қайси фандан қандай баҳо олганлиги, ўқитувчиси қандай топшириқ берганлиги ҳақида гаплашса, синфдошлари билан уйга берилган фазифанинг бажарилиши, оила аъзолари, улар билан содир бўлган воқеалар, янги харид қилинган кийим, тайёрланган таом, томоша қилинган мультфильм ҳақида гаплашади. Дарсда эса бир-бирларидан ручка, қалам ёки ўчирғич сўрашади, кимдир китобини уйда қолдирганлиги ҳақида гапирса, кимдир дарсда сақич чайнаб ўтирган ўқувчи ҳақида муаллимни хабардор қилади, ёки бир-бирларидан шикоят қилишади.

References:

1. Galskova N.D. Sovremennaya sel obucheniya inostrannim yazikam: ot kompleksnogo podxoda k integratsii. Sbornik statey mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferensii pamyati akademika RAO Inessi Lvovni Bim. – M.:Prosveshenie, 2013. – S.25-34.
2. Milrud R.P. Metodika prepodavaniya angliyskogo yazika. English teaching methodology: Ucheb. posobie dlya vuzov. – M.: Drofa, 2005. – 253
3. Passov. E.I., Kuzovleva. N.E. Urok inostrannogo yazika. – M.: Golosa-Press, 2010. – 640 s.
4. Cameron L. Teaching Languages to Young Learners. Cambridge: Cambridge University Press, 2005. – 158 r.
5. Linse C.T. Practical English Language Teaching: Young Learners. – New York: McCraw-Hill, 2005. – 216 p.
6. Vale D., Feunteun A. Teaching children English: A training course for teachers of English to children. – L.: Cambridge University Press, 2011. – 280 p.